

208 - وَعَنْ حُدَيْفَةَ وَأَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَا: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يَجْمَعُ

اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى النَّاسَ، فَيَقُومُ الْمُؤْمِنُونَ حَتَّى تَزُلْفَ لَهُمُ الْجَنَّةُ، فَيَأْتُونَ آدَمَ، فَيَقُولُونَ: يَا أَبَانَا، اسْتَفْتِحْ لَنَا الْجَنَّةَ، فَيَقُولُ: وَهَلْ أَخْرَجَكُم مِّنَ الْجَنَّةِ إِلَّا خَطِيئَةٌ أَبِيكُمْ؟! لَسْتُ بِصَاحِبِ ذَلِكَ، أَذْهَبُوا إِلَى ابْنِي إِبْرَاهِيمَ خَلِيلِ اللَّهِ، قَالَ: فَيَقُولُ إِبْرَاهِيمُ: لَسْتُ بِصَاحِبِ ذَلِكَ، إِنَّمَا كُنْتُ خَلِيلًا مِّنْ وَرَاءَ وَرَاءَ، ائْتُوا إِلَى مُوسَى الَّذِي كَلَّمَهُ اللَّهُ تَكْلِيمًا، فَيَأْتُونَ مُوسَى، فَيَقُولُ: لَسْتُ بِصَاحِبِ ذَلِكَ، أَذْهَبُوا إِلَى عِيسَى كَلِمَةَ اللَّهِ وَرُوحِهِ، فَيَقُولُ عِيسَى: لَسْتُ بِصَاحِبِ ذَلِكَ. فَيَأْتُونَ مُحَمَّدًا صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَيَقُومُ فَيُؤَدِّنُ لَهُ، وَتُرْسَلُ الْأَمَانَةُ وَالرَّحْمُ فَيَقُومَانِ جَنْبَتِي الصِّرَاطِ يَمِينًا وَشِمَالًا، فَيَمُرُّ أَوْلَاكُمْ كَالْبَرْقِ» قُلْتُ: بِأَبِي وَأُمِّي أَنْتَ، أَيُّ شَيْءٍ كَمَرَ الْبَرْقُ؟! قَالَ: «أَلَمْ تَرَوْا كَيْفَ يَمُرُّ وَيَرْجِعُ فِي طَرْفَةِ عَيْنٍ؟! ثُمَّ كَمَرَ الرِّيحَ، ثُمَّ كَمَرَ الطَّيْرَ، وَشَدَّ الرِّجَالِ تَجْرِي بِهِمْ أَعْمَاهُمْ، وَنَبِيُّكُمْ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَائِمٌ عَلَى الصِّرَاطِ يَقُولُ: رَبِّ سَلِّمْ سَلِّمْ، حَتَّى تَعَجِزَ أَعْمَالُ الْعِبَادِ، حَتَّى يَجِيءَ الرَّجُلُ وَلَا يَسْتَطِيعُ السَّيْرَ إِلَّا زَحْفًا، وَفِي حَاقَتِي الصِّرَاطِ كَاللَّيْبِ مُعَلَّقَةٌ مَأْمُورَةٌ بِأَخْذِ مَنْ أَمَرْتُ بِهِ، فَمَخْدُوشٌ نَاجٍ وَمُكَرَّدَسٌ فِي النَّارِ» وَالَّذِي نَفْسُ أَبِي هُرَيْرَةَ بِيَدِهِ إِنَّ قَعْرَ جَهَنَّمَ لَسَبْعُونَ حَرِيْفًا. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

[195].

قَوْلُهُ: «وَرَاءَ وَرَاءَ» هُوَ بِالْفَتْحِ فِيهِمَا، وَقِيلَ: بِالضَّمِّ بِلا تَنْوِينٍ، وَمَعْنَاهُ: لَسْتُ بِتِلْكَ الدَّرَجَةِ الرَّفِيعَةِ،

وَهِيَ كَلِمَةٌ تُكْرَرُ عَلَى سَبِيلِ التَّوَاضُعِ. وَقَدْ بَسَطْتُ مَعْنَاهَا فِي «شَرْحِ صَحِيحِ مُسْلِمٍ، وَاللَّهُ أَعْلَمُ.

208. Ҳузайфа ва Абу Ҳурайра розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Аллоҳ табарока ва таоло одамларни тўплайди. Мўминлар тик турган пайтда уларга жаннат яқинлаштирилади. Улар Одамга бориб, «Эй отажон, биз учун жаннатнинг очилишини сўранг», дейишади. У: «Ўзи отангиз Одамнинг хатоси сизларни жаннатдан чиқарган эмасми? Мен буни қила олмайман. Сизлар ўғлимнинг, Аллоҳнинг халили Иброҳимнинг ҳузурига боринглар», дейди. (Иброҳим алайҳиссаломга боришади.) Иброҳим: «Мен буни қила олмайман. Мен билвосита халил бўлганман, холос.* Сизлар Аллоҳ ўзига хос гаплашган Мусо соллаллоху алайҳи васалламга ёлворинглар», дейди. Улар Мусо соллаллоху алайҳи васалламга келишса, у: «Мен бундай қила олмайман. Сизлар Аллоҳнинг калимаси ва руҳи бўлган Йисонинг олдига боринглар», дейди. Йисо соллаллоху алайҳи васаллам ҳам: «Мен бундай қила олмайман», дейди. Шунда улар Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламга келишади. – У зот турадилар ва у зотга изн берилади. – Омонат ва силаи раҳм олиб борилади, улар сиротнинг икки ёнида – ўнг ва чап томонида туришади. Сизларнинг аввалгиларингиз чақмоқдек ўтиб кетишади». Мен: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, «чақмоқдек ўтиш» дегани нима?» дедим. У зот шундай дедилар: **«Чақмоқнинг кўз очиб-юмгунча қандай ўтиб, қайтишини кўрмаганмисиз? Кейин шамолнинг ўтишидек, сўнгра қушнинг ўтишидек ва одамларнинг чопишидек (ўтишади). Барчалари амалларига кўра ўтадилар. Набийингиз эса сирот устида: «Роббим, саломат сақла, саломат сақла!» деб туради. Ниҳоят, бандаларнинг амаллари ожизлик қилиб қолади, ҳатто бир киши келиб, фақат судралибгина ўта олади. Сиротнинг икки четида осма илгаклар бўлиб, улар буюрилган кишини олишга маъмурдир. Тирналиб, нажот топганлар ҳам, дўзахга қулаганлар ҳам бўлади».****

Абу Ҳурайранинг жони кўлида бўлган Зотга қасамки, жаҳаннамнинг қаъри етмиш йил(лик масофа)дир».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: «Мен билвосита халил бўлганман, холос» дегани «Менинг Аллоҳга халилликим Жаброил алайҳиссалом орқали бўлган», деганидир.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI